



Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланаётган **“Катта Лангар Қуръони”** номи билан аталадиган Қуръони каримнинг нусхаси дунёдаги энг қадимий ва нодир қўлёзма асарларидан ҳисобланади. Катта Лангар Қуръони деб номланиши, унинг **Қашқадарё вилоятининг Қамаши туманидаги Лангар ота масжидида** сақланганига бориб тақалади.

### **“Катта Лангар Қуръони”нинг сақланиш тарихи**

Саҳифалар узоқ вақт давомида “Катта Лангар шайхлари” деб ном олган Ишқия тариқати вакиллари томонидан асраб келинган.

Маҳаллий аҳолининг ҳикоя қилишича Катта Лангар Қуръони 1917 йилларда Асрорхўжа ота исмли кишининг қўлида бўлган, 30 йилларгача унинг ўғли Уста Абдулло ота, ундан кейин Ёқуб бобонинг қўлида сақланган. Ундан Қулфи момонинг қўлига ўтиб 1957 йилгача у кишининг қўлида сақланган. 1957 йилдан Тўхта Бобо Ражабовнинг қўлида сақланган.

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида Ўзбекистонда диний ва миллий қадриятларга қарши кураш авж олгач, ушбу қўлёзманинг ҳам катта қисми атайин йўқ қилинган ёки яширилган.

Ҳикоя қилишларича, 1984 йили ўша вақтда тегишли ташкилот вакиллари томонидан ҳеч қандай далолатнома қилинмаган ҳолда Лангар Қуръонининг 67 саҳифаси олиб кетилган. Унинг қаерда эканлиги ҳалигача маълум эмас. Шунда қишлоқ оқсоқолларидан Тўхта бобо Ражабов қўлёзманинг 12 саҳифасини асраб қолишга муваффақ бўлади.

Орадан ўн йил ўтиб, мустақиллик йилларида ушбу муборак саҳифалар яна Катта Лангар зиёратгоҳига қайтарилади.

### **Қўлёзманинг қадимийлиги**

Аслида бу қўлёзма бизнинг юртимизга қандай келиб қолганлиги ҳақида ҳалигача ҳеч ким аниқ маълумот айта олган эмас. Аммо биз шуни биламизки, ушбу қўлёзма устида илмий-тадқиқот ишларини олиб борган олимларнинг таъкидлашларича, ушбу



## Лангар Қуръони ҳақида қизиқарли ва ноёб маълумотлар

қўлёзманинг битилиши VIII асрнинг охириги чорагида, араб грамматикаси қоидалари шаклланган даврга тўғри келади.

Ҳозирги кунда ушбу қўлёзманинг 81 саҳифаси Россия Фанлар академиясининг Санкт-Петербургдаги Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади. Машҳур шарқшунос, академик И. Ю. Крачковский ўзининг “Араб қўлёзмалари устида” китобида ёзишича, бу қўлёзма 1936 йилда институт томонидан нотаниш кекса аёлдан сотиб олинган[1].

1998 йилда профессор Е. А. Резван Шарқ қўлёзмалари институтида Е 20 инвентар рақами остида сақланаётган мазкур қўлёзма ҳақида хориж матбуотида инглиз тилида “The Qur’an and its World” мақоласини эълон қилди. Орадан бир неча ой ўтиб, француз шарқшуноси Франсуа Дерош Санкт-Петербургда хат йўллаб, у билан бирга Ўзбекистондаги Катта Лангар қишлоғидан топилган Қуръон саҳифалари фотонусхаларини ҳам юборади. Бу нусхалардаги ёзув тури ва услуби институтда Е 20 рақами остида сақланаётган қўлёзманики билан айнан бир ҳил эди.

Кейинчалик Е. Резван ушбу қўлёзманинг айрим саҳифалари Катта Лангар қишлоғида, шунингдек Тошкент ва Бухорода ҳам сақланиши ҳақида хабар топади. 1999 йилда Катта Лангар Қуръони билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистонга илмий экспедицияни амалга ошириб, бир гуруҳ шарқшунос олимлар билан Тошкентда Ўзбекистон мусулмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган Усмон мусҳафи ва Лангар Қуръонининг бир саҳифаси, Шарқшунослик Қўлёзмалар институтида сақланаётган 1та саҳифасини, Лангар ота масжидида сақланаётган 12 саҳифани бориб кўради. Кейинчалик бу ҳақда “Усмон Қуръони изидан” деган ҳужжатли фильм ҳам тайёрлайди[2].

2000 йилнинг май ойида россиялик ва голландиялик олимларнинг изланишлари натижасида, Гронинген (Голландия) университети Изотоп тадқиқотлари марказида мазкур қўлёзма пергаментининг намуналари замонавий техникалар ёрдамида радиокарбон таҳлилидан ўтказилади. Текширув натижаларига кўра, ушбу қўлёзма милодий 775-995 йиллар оралиғида кўчирилган бўлиши мумкинлиги ҳақида хулоса берилди. Олимлар ушбу хулосага таяниб, қўлёзма VIII асрнинг сўнгги чорагига тегишли, деган тўхтамга келишган. Бу хулосани француз шарқшуноси Ф. Дерош ҳам тасдиқлайди.



## Қўлёзмалар қаерларда сақланмоқда?

Ўзбекистонда мазкур қўлёзманинг жами 16 саҳифаси мавжуд:

Биттаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари институтида сақланади. Шарқ қўлёзмалари институтида 11604 рақами остида сақланаётган саҳифада “Бақара” сурасининг 26-61-оятлари кўчирилган. Мазкур институтда 2460 рақами остида сақланаётган Садир Зиё кутубхонасининг каталогига мазкур саҳифа ҳақида маълумот берилган бўлиб, унда саҳифанинг Учинчи Халифа Усмон ибн Аффон (р. а.) замонасида кўчирилган китобга тегишли экани айтилади.

Иккита саҳифаси Бухорода: биттаси Ибн Сино номидаги Бухоро вилоят кутубхонасида, иккинчиси Бухоро давлат музей-қўриқхонаси Арк қўлёзмалар музейида сақланмоқда. Унда Мужодада сурасининг 11-оятдан Ҳашр сурасининг 3-оятигача ёзилган.

## Соҳага оид муҳим воқеа

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2017 йил 24 майда **“Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”**ги қарорни имзолаганларидан кейин юртимизда бу борада бир қанча илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтди. Жумладан, Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси бошқаруви раиси Ф. Абдухолиқов ташаббуси билан 2017 йил 28 ноябрь куни Тошкент шаҳрида **“Замонлар чорраҳаси: ўтмишнинг буюк мероси - маърифатли келажак пойдевори”** мавзуида халқаро медиа-форум ўтказилди. Унда Ўзбекистон мусулмонлари идорасидан вакиллар ҳам иштирок этдилар. Айна медиа-форум 2018 йил 10 декабрь куни ҳам бўлиб ўтди. 2017 йилда **“Ўзбекистон маданий мероси дунё тўпламларида”** лойиҳаси доирасида Европа технологиялари асосида “Катта Лангар Қуръони”нинг факсимиле нусхалари яратилди. Мазкур нусхалар ўтган вақт давомида мамлакатимиздаги бир қатор илмий ва диний муассасаларга тарқатилди.

2018 йилнинг 3 декабрь куни Даракчи газетасининг интернет саҳифасида Катта Лангар Қуръони ҳақида мақола эълон қилинди. Ана шу мақолада шундай дейилади. **“Ўзбекистонда мазкур қўлёзманинг жами 16 саҳифаси мавжуд бўлиб, шундан**



Лангар Қуръони ҳақида қизиқарли ва ноёб маълумотлар

**биттаси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказида, биттаси Ўзбекистон Муслмонлари идорасида, иккитаси Бухоро вилоят кутубхонасида, 12 варағи Катта Лангар қишлоғида сақланади**”, дейилган.

Мақолада шунингдек, **“ушбу саҳифаларда “Нисо” ва “Анъом” сураларининг парчалари ўрин олган**”, дейилган.

**Катта Лангар Қуръони Ўзбекистон муслмонлари идорасига қачон келтирилган?**

Катта Лангар Қуръонининг 12 саҳифаси Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ноиби марҳум Абдураззоқ Юнусов томонларидан Қашқадарё вилоятининг Қамаш туманидаги “Лангар ота” жомеъ масжидидан 2003 йилнинг 11 декабрида олиб келинган.

Мазкур қўлёзма матни сайқалланган ҳайвон териси – пергаментга битилган. Саҳифаларнинг ўртача ҳажми 53x35 см. ни ташкил этади. Матнлар арабий ёзув усулларининг энг қадимий турларидан бўлган кўфий-ҳижозий хатида битилган. Саҳифаларнинг баъзиларига, айниқса ҳошияларига жиддий зарар етган. Қўлёзманинг чарм муқоваси XIV асрга тегишли. XVII аср ўрталарида у қайта таъмирланган.

Муқова ҳамда саҳифаларни бир-бирига мустаҳкам бириктириш мақсадида араб тилидаги матнлар битилган қоғозлар ёпиштирилган. Саҳифаларнинг чарм муқовасида муқовасознинг исми (Муҳаммад Носир) ҳамда 1255 (1839–1840) санаси ёзилган.

**Лангар Қуръонининг Ўзбекистон муслмонлари идораси кутубхонасида сақланаётган қисми**

Ўзбекистон Муслмонлари идораси кутубхонасида аввалдан бир саҳифаси сақланиб келган бўлса, 2003 йилда қолган 12 саҳифаси Лангар ота масжидидан келтирилган бўлиб, ҳозирда 13та саҳифаси сақланмоқда.

Ўзбекистон муслмонлари идорасида сақланаётган Катта Лангар Қуръонининг аввалги битта саҳифасида “Бақара” сурасининг 126-150 оятлари, қолган 12 саҳифасида Нисо сурасининг 136-оятининг ярмидан бошланиб, Моида сураси тўлиқ ва Анъом сурасининг



82-оятининг бошланишигача бўлган қисми мавжуд.

Мавжуд 12 саҳифани муқовага тикишда тартиб бузилган. Яъни, бешинчи саҳифани иккинчи саҳифа ўрнига, еттинчи саҳифани олтинчи саҳифа ўрнига алмаштириб тикиб юборилган. Натижада сураларнинг кетма-кетлиги бузилган.

Мавжуд саҳифалар Қуръони каримнинг икки жузини ўз ичига олган. Демак, тахмин қилиш мумкинки, Катта Лангар Қуръони 190-200 саҳифа атрофида бўлган. Бугунги кунгача уларнинг 97 саҳифаси ёхуд 47 фоизигина етиб келган.

### **Катта Лангар Қуръони асрлар оша**

Катта Лангар Қуръони йиллар давомида таъмирланиб, уни безак ва нуқталар билан тўлдириб келинганини кўришимиз мумкин. Масалан, баъзи саҳифаларнинг йиртилган бурчакларига ямоқ солинган ва ямалган жойидаги оятлар насх хати турида ёзилган. Суралар орасига нақш чизилиб, унга суранинг номи ва оятларининг сони насх хатида битилган. Баъзи саҳифалардаги баъзи калималарга ҳаракатлар қўйилганини ҳам кўришимиз мумкин. Масалан,

### **ان الله جامع المنافقين و الكافرين في جهنم جميعا**

(سورة النساء/140)

оятини мисол қилишимиз мумкин.

### **Катта Лангар Қуръонининг ўзига хос жиҳатлари**

Лангар Қуръонининг бир бетига ҳозирги Мадина Мусҳафининг бир ярим бети ҳажмидаги оятлар ёзилган. Лангар Қуръонида суралардаги оятларнинг сони ҳозирги Мадина мусҳафидаги оятларнинг сонидан фарқли қилиб берилганини кўришимиз мумкин. Масалан, Мадина мусҳафида Моида сураси 120 оятдан иборат дейилган бўлса, Лангар Қуръонида Моида сураси 122 оят дейилган. Анъом сураси Мадина мусҳафида 165 оят дейилган бўлса, Лангар Қуръонида 167 оятдан иборат дейилган.

Катта Лангар Қуръони Ўзбекистонга қандай келиб қолгани ҳақида турли тахминлар



илгари сурилади. Шуниси аниқки, ўтган муддат давомида Катта Лангар масжидада сақланиб келган. XIX аср охирларида қўлёзманинг бир қисми номаълум сабабларга кўра, мамлакатдан олиб чиқиб кетилган ва юқорида таъкидланганидек, 1936 йилда И. Ю. Крачковскийнинг қўлига етиб борган. Қўлёзманинг бошқа саҳифалари ҳар хил одамлар томонидан олиб кетилган. Хуллас бугунги кунда ушбу нодир китоб саҳифаларининг ярмидан кўпроғи қаерда, кимларнинг қўлида экани ҳамон сирлигича қолаётир.

### **Катта Лангар Қуръонидан нусха кўчириб ёзилиши**

2004 йилда хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан Катта Лангар Қуръонининг 12 саҳифаси қайта кўчириб ёзилган ва ҳозирда ўша қўлёзма нусхаси Ўзбекистон Ислом Академиясининг манбалар ҳазинасида сақланмоқда.

### **Катта Лангар Қуръони тарихий аҳамиятга эга**

Лангар Қуръонининг юртимизга келиб қолиши тарихи ҳақида бир қанча тахминлар мавжуд:

2. Ўрта асрларда Афғонистонга кўчиб келган араблар маълум бир сабабларга кўра Ўрта Осиёга кўчишади ва ўзлари билан ушбу Қуръон нусхасини ҳам олиб келишади;
4. Амир Темур томонидан Суриядан Қашқадарёнинг тоғлик ҳудудига кўчириб келтирилган араблар ўзлари билан ушбу Қуръонни ҳам олиб келишган.

Лангар Қуръони Қашқадарё вилояти Қамашу туманидаги Лангар ота масжиди ва зиёратгоҳи билан боғлиқ бўлганлиги боис унинг ушбу манзилга келиши, у ердаги ишқия тариқати машоихларининг ўз даврида ерли аҳолининг ижтимоий ва маънавий ҳаётида тутган ўрни, Лангар қишлоғининг ўтмишда маданий ва иқтисодий жиҳатдан қандай ҳолатда бўлганлиги билан боғлиқ илмий тадқиқот ишларини олиб борилиши лозим эканлиги билан ҳам катта аҳамиятга эга деб ўйлаймиз.

Шу кунгача Лангар зиёратгоҳи билан боғлиқ бир нечта мақолалар, шунингдек, Фулом Каримийнинг “Лангар фожиаси” романи чоп этилган ва уларда Лангар Қуръонига боғлиқ маълумотлар ҳам берилган.



## Лангар Қуръони ҳақида қизиқарли ва ноёб маълумотлар

Ҳозирги кунда Лангар масжидида профессор Е. Резван томонидан амалга оширилган Лангар Қуръонининг фотонусхаси ва хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан кўчирилган қўлёзма сақланмоқда.

**Ҳомиджон ИШМАТБЕКОВ,**

*Диний идора Фатво бўлими мудир*

[muslim.uz](http://muslim.uz)

---

[1] <https://history.wikireading.ru/256823> Над арабскими рукописями Куфический Коран и “бабушка-арабка” (1936)

[2] [https://youtu.be/l\\_by2R6-8ec](https://youtu.be/l_by2R6-8ec)